# Москвада «HALAL EXPRESS 2018» бўлиб ўтади

16.04.18 00:04




Москвада 2018 йил 23-25 апрель кунлари «ФУД СИТИ» улгуржи-чакана озик-овкат маркази худудида доимий фаолият юритувчи INTERPROD EXPO савдо-кўргазма платформаси доирасида ITQ Consult, Евросиё Ишбилармонлик Уюшмаси, Ислом Бизнеси Халкаро Ассоциацияси хамда Россия Муфтийлари Кенгаши кошидаги “Халол” Халкаро Стандартлаштириш ва Сертификация Марказининг кўшма лойихаси – «HALAL EXPRESS 2018» янги форматдаги кўргазма тадбири  амалга оширилади.       Экспресс-кўргазма максади – синалган “Халол” ишлаб чикарувчиларнинг махсулотларини тармоклар рахбарларига, улгуржи савдогарларга ва дистрибюторларга ўзаро хамкорлик учун энг кулай шартларда такдим этиш.

Фуд Сити – Россия ва Европадаги энг йирик улгуржи-чакана озик-овкат марказларидан бири бўлиб, унинг майдони 346 527 м2, бир кунда 10 мингдан зиёд мижозларга хизмат кўрсатади.

INTERPROD EXPO – Россия Федерациясининг 70 та субъектлари ва дунёнинг 45 та мамлакатларининг доимий фаолият юритаётган юкори технологияли савдо-кўргазма павильонлари.

Манзили:  г. Москва, поселение Сосенское, 22 км Калужского шоссе, здание 10, сектор Е , вход 14 , этаж 2 , ОРПЦ Фуд Сити.